

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОХУНОВА ШАХНОЗА БОТИРЖОН ҚИЗИ

**ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШ ЦИКЛИДА ТАШХИСЛАШ
ВА ДАВОЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ ГОМОЦИСТЕИН МИҚДОРИГА
БОҒЛИҚ ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD)

Охунова Шахноза Ботиржон қизи

«Экстракорпорал уруғлантириш циклида тапхислаш ва даволаш тадбирларини гомоцистеин миқдориға боғлиқ ҳолда такомиллаштириш» 3

Охунова Шахноза Ботиржон кизи

«Совершенствование диагностических и лечебных мероприятий в цикле экстракорпорального оплодотворения в зависимости от количества гомоцистеина» 31

Ohunova Shakhnoza Botirjon kizi

«Improvement of diagnostic and therapeutic measures in the cycle of in vitro fertilization depending on the amount of homocysteine» 57

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ 61
List of published works.....

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

ОХУНОВА ШАХНОЗА БОТИРЖОН ҚИЗИ

**ЭКСТРАКОРПОРАЛ УРУҒЛАНТИРИШ ЦИКЛИДА ТАШХИСЛАШ
ВА ДАВОЛАШ ТАДБИРЛАРИНИ ГОМОЦИСТЕИН МИҚДОРИГА
БОҒЛИҚ ҲОЛДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.01 – Акушерлик ва гинекология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ-2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2023.3PhD/Tib3697 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashpmi.uz) ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Садикова Дилфуза Равшанбековна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Курбанов Жахонгир Жамолович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Каримова Феруза Джавдатовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази

Диссертация химояси Тошкент давлат тиббиёт университети хузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140 Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси 223 уй. Тел/факс: (+998) 71-262-33-14, e-mail: mail@tashpmi.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «_____» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

А.В. Алимов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

Х.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

К.Н.Хайтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бепуштлиқ муаммоси 8% дан 20% гача ҳолатларда учрайди ва бу ҳолатларнинг 50%дан кўпроғини аёлларнинг репродуктив касалликлари туфайли юзага келади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «...экстракорпорал уруғлантириш усули бир неча 10 йилликдан бери маълум ва бу усул орқали миллионлаб чақалоқлар дунёга келган...»¹. 2025 йилги маълумотларга кўра, АҚШ да барча туғилишларнинг 2,2%и, яъни 79942 та тирик туғилганлар экстракорпорал уруғлантириш усули орқали туғилишига тўғри келади. 2020 йилда 326471 та экстракорпорал уруғлантириш цикли амалга оширилган бўлиб, унинг 23%и тирик туғилиш билан яқунланган. 2024 йилда Ҳиндистонда экстракорпорал уруғлантириш дастуридан сўнг 20% ҳолатда тухум хужайраларнинг сифатсизлиги аниқланган.

Жаҳонда экстракорпорал уруғлантириш усулининг ҳомиладорликни юзага келишидаги имкониятлари, унинг муваффақиятсизлик билан яқунланиш хавфини оширадиган омилларини аниқлаш ва тартибга келтириш борасида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бугунги кунда бепуштлиги мавжуд аёллардаги гомоцистеиннинг даражаси экстракорпорал уруғлантириш дастурларидаги тухум хужайралар, ҳамда ҳосил бўлган эмбрионнинг сифатига, ҳомиладорлик юзага келишига таъсири ҳақида ҳеч қандай маълумотлар келтирилмаган. Гомоцистеиннинг даражаси ва ҳомиладорликнинг кечиши, шунингдек ҳомилани йўқотиш хавфи ўртасида ишончли боғлиқлик ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд эмас. Бирок, экстракорпорал уруғлантириш дастурларидан сўнг салбий оқибатларнинг юзага келиши, ҳомиладор аёлларда акушерлик патологияларни ривожланиш муаммоси бугунги кунда долзарб бўлиб қолмоқда. Шу муносабат билан диссертациямизнинг танланган йўналиши жуда долзарбдир, ўтказилган таҳлил эса соғлиқни сақлаш амалиётида экстракорпорал уруғлантириш амалиёти ўтказилган жуфтликларда, ҳамда ҳомиладор аёлларга тиббий ёрдам кўрсатиш учун тўғри ёндашувларни топишда аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан, бепуштлиқ мавжуд аёлларга экстракорпорал уруғлантириш усули орқали самарали тиббий ёрдам кўрсатиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, хавф омилларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг еттита устувор йўналишига мувофиқ «... репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан

¹WHO. Infertility. Overview / 22 May 2024. <https://www.who.int/news-room/fact-sheets/detail/infertility>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони

келиб чиққан ҳолда, нафақат аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш даражасини ошириш бўйича, балки бепуштлик мавжуд аёлларда экстракорпорал уруғлантириш дастурини муваффақиятли амалга ошириш ва ноқулай оқибатларни камайтириш мақсадида эрта ташхислаш ва даволаш чора-тадбирларни оптималлаштириш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-156-сон фармони, 2021 йил 6 майдаги «Соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимларининг салоҳиятини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш тўғрисида»ги ПФ-6221-сон, 2022 йил 29 январдаги «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармонлари, 2023 йил 8 сентябрдаги «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-296-сон, 2022 йил 25 апрелдаги «Бирламчи тиббий-санитария ёрдамини аҳолига яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-215-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёда тадқиқотларда гомоцистеинемиянинг репродуктив тизимга салбий таъсири, хусусан, тухумдонлар поликистози синдроми билан боғлиқ бепуштлик мавжуд аёлларнинг қон зардобида D25-гидроксивитамин даражаси билан боғлиқлиги аниқланган. (Jinyan Zhao, 2024; Ulloque-Badaracco J. R. 2024). Шунингдек, ушбу микронутриентлар алмашинуви билан боғлиқ бузилишида фолликуляр гомоцистеин даражаси ооцитлар сифатига таъсир кўрсатиши келтирилган (Kucuk T., 2023; Gupta A., 2025). Баъзи тадқиқотларнинг натижасида эндометриоз билан ассоцирланган бепуштлик мавжуд аёлларнинг қон зардобидаги гомоцистеиннинг нормал даражаси яхши сифатли эмбрионларнинг ҳосил бўлиши ва муваффақиятли ҳомиладорлик юзага келишига эришилди. (Manzur N.F., 2023; İmamoğlu M, 2025). ЭКУ/ИКСИ амалиётини бажариш давомида музлатилган ёки янги ҳосил қилинган эмбрионларни кўчириб ўтказиш мобайнида муваффақиятсизликнинг белгиси сифатида гомоцистеин омили эканлиги тасдиқланди (Ogawa S, 2023; Xuxin Zhan, 2025).

МДХ да ўтказилган тадқиқотларда ҳомиладорлик давомида микроэлементларга бой маҳсулотларни қабул қилиш қондаги гомоцистеин миқдорини камайишига, натижада ҳомиладорликнинг ижобий оқибатларига

олиб келиши келтирилган (Мозес К.Б., 2023; Нечай К.О., 2025). Эндокрин бепуштлиқ мавжуд аёлларни даволашда коэнзима Q10 ва гомоцистеин миқдорларининг коррелятив боғлиқлик даражалари исботланган (Макацария А.Д., 2024). Айниқса, аёллардаги метаболик ва гемостаз кўрсаткичлари, хусусан, гомоцистеин даражасининг юқорилиги ЭКУ цикллариининг муваффақиятсиз яқунланиши билан боғлиқлиги ҳақида илмий манбаларда кўплаб далиллар келтирилмоқда (Егорова Д.А., 2024).

Ўзбекистонда ҳомила туғма нуқсонларининг юзага келишида гипергомоцистеинемия ҳолатига боғлиқлиги келтириб ўтилди (Янгибаева Д.Т., Юлдашева Д.Ю., 2024). ЭКУ циклини амалга оширишда аёлларда ПФСнинг юзага келиши FSHR, LHR ва AMG генларининг даражаси билан боғлиқ (Олимова К.Ж., Шукуров Ф.И., 2024). Бепуштлиқ мавжуд аёлларнинг қон зардобиди ва фолликуляр суюқлигида ферритин миқдорининг камайиши эмбрионлар сифатини пасайтиради (Зоитова Н.М., Максудова М.М., 2025). Бир қатор тадқиқотларда ЭКУ амалиётидан кейин акушерлик ва перинатал асоратларнинг юзага келиш частотасини генетик полиморфизмлар билан боғлиқлиги таъкидланган (Мирзаева Д.Б., 2023).

Шундай қилиб, юқорида келтирилган маълумотлар экстракорпорал уруғлантириш циклини амалга оширишдан олдин гомоцистеин миқдорини аниқлаш, унинг даражасига асосланиб ташхислаш ва даволаш чоратадбирларини такомиллаштириш орқали экстракорпорал уруғлантириш циклидан сўнг ҳомиладорлик юзага келиш имкониятини ошириш керак деган хулосага келишимизга имкон беради. Тизимли ёндашув нуқтаи назаридан, муҳим параметрларни ҳисобга олган ҳолда, бу вазифа Ўзбекистонда илгари ҳал этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг оилавий тиббиётда акушерлик ва гинекология кафедрасида Давлат илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ амалга оширилди, 2022-2025 йилларда рўйхатга олиш №012300281 ИТИ “Она ва бола саломатлигининг тиббий-ижтимоий муаммолари. Ташхислаш, башоратлаш, даволаш ва олдини олиш масалаларининг ечимини топиш” мавзусидаги илмий ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади бепуштлиқда гомоцистеиннинг миқдорини аниқлаш ва коррекциялашга қаратилган даволаш тадбирларини такомиллаштириш орқали экстракорпорал уруғлантириш циклларида тухум ҳужайраларнинг ва эмбрионларнинг сифатини, ҳомиладорликни юзага келиши ва унинг кечишини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

экстракорпорал уруғлантириш дастурларида бепуштлиқ мавжуд жуфтликларда гомоцистеиннинг миқдорини тухум ҳужайра (M2, M1, GV) ва сперма сифатига таъсирини қиёсий равишда баҳолаш;

экстракорпорал уруғлантириш дастурларида гомоцистеин даражасини бепуштлик мавжуд жуфтликлардан ҳосил бўлган эмбрионларнинг сифатига (2pn, A, B, C, D) таъсирини қиёсий баҳолаш;

экстракорпорал уруғлантириш дастурига тайёрлаш босқичида бепуштлик мавжуд жуфтликларда гомоцистеиннинг абнормал даражасини аниқлаш орқали ташхисот усулини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини баҳолаш;

экстракорпорал уруғлантириш дастурига тайёрлаш босқичида бепуштлик мавжуд жуфтликларда гомоцистеин миқдорида боғлиқ равишда ишлаб чиқилган даволаш усулининг самарадорлигини ҳомиладорликни юзага келиши орқали баҳолаш;

экстракорпорал уруғлантириш дастурларида гомоцистеиннинг тавсия қилинган (5,0-8,0 ммол/л) миқдорида эга бўлиш орқали ҳомиладорликнинг дастлабки триместрини кечишини қиёсий равишда баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 90 та экстракорпорал уруғлантириш ўтказилган жуфтликлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида жуфтликларнинг периферик қони, аёлларнинг тухум ҳужайраси, эркакларнинг сперма таҳлили ҳамда эмбрионлар олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда экстракорпорал уруғлантириш цикли натижаларини яхшилаш мақсадида бепуштлик мавжуд жуфтликларни олиб бориш усулини ишлаб чиқишда клиник, биокимёвий, молекуляр-биологик, инструментал, морфологик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бепуштлик мавжуд жуфтликларни ЭКУ дастурига тайёрлаш босқичида хавф омилларни аниқлаш ва уни бартараф қилиш ЭКУ амалиёти самарадорлигини 3,2 мартабагача ошириши ($p < 0,01$) исботланган;

ЭКУ амалиётига тайёрлаш босқичида бепуштлиги мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилидаги гомоцистеин миқдорини аниқлаш ва уни коррекция қилиш дастур бўйича тухумдонларни стимуляция қилиш даврини 2,9 мартабагача камайтириши ($p = 0,002$) исботланган;

ЭКУ циклидан олдин аниқланган гомоцистеиннинг патологик даражаси ооцитлар ва эмбрионнинг сифатига тесқари корреляцион боғлиқлиги исботланган, бунда М2 ооцитнинг сифати 1,12 мартагача ($p = 0,02$), М1 ооцитнинг сифати 1,1 мартагача ($p = 0,001$), А синф эмбрионнинг сифати 1,82 мартагача ($p < 0,05$) пасайиши исботланган;

ЭКУ циклини олиб бориш алгоритми асосида юзага келган ҳомиладорликнинг дастлабки триместрида ҳомила тушиш хавфи ($\chi^2 = 9,12$; $p < 0,05$), ҳомила тушиши ($\chi^2 = 10,8$; $p < 0,01$) частоталарининг камайиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ЭКУ циклини амалга оширишдан олдин текширув дастурига бепуштлик мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилида гомоцистеин миқдорини аниқлаш

ЭКУ амалиёти самарадорлигини бир неча баробарга ишончли равишда ошириши асосланган;

ЭКУ цикли давомида гомоцистеиннинг патологик миқдорлари дастурни амалга ошириш даврининг давомийлиги билан корректив боғлиқлиги асосланган;

ЭКУ циклидан олдин гомоцистеиннинг патологик миқдори тухум хужайра (M2, M1, GV), сперма ва эмбрионларнинг (2pn, A, B, C, D) сифати билан билан коррелятив ўзгариши асосланган;

ЭКУ циклини амалга оширишдан олдин бепуштлиқ мавжуд жуфтликларни тавсия қилинган такомиллаштирилган олиб бориш ва даволаш чора-тадбирларини қўллаш, уларнинг даволаш алгоритмига витаминлар комплекси ва гепатопротекторларни тавсия асосида қўшилиши натижасида ЭКУ дастурининг муваффақиятли натижаси ҳамда ҳомиладорлик даврида акушерлик асоратларнинг камайиши қиёсий равишда асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар сони танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган клиник, биокимёвий, молекуляр-биологик, инструментал, морфологик ва статистик тадқиқот усуллар асосида ЭКУ циклини муваффақиятли самара беришида гомоцистеинни аниқлашнинг ўзига хослиги, натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулосалар, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЭКУ дастуридан олдин бепуштлиқ мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилидаги гомоцистеиннинг патологик миқдори ЭКУ цикли самарадорлигига, тухум хужайра, сперма ва эмбрионларнинг сифатига статистик жиҳатдан боғлиқлиги аниқланиб, ЭКУ дастуридан сўнг ҳомиладор аёлларда барча кўрсаткичлар назорат гуруҳи кўрсаткичларидан статистик ишончли фарқлиги назарий асослари яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, ЭКУ циклига тайёрланаётган бепуштлиқ мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилидаги гомоцистеин патологик миқдорларини инобатга олган ҳолда уларни олиб бориш усулини такомиллаштириш ва тадбиқ қилиш ЭКУ дастурини амалга ошириш даври давомийлигининг қисқариши, тухум хужайра (M2, M1, GV), сперма ва эмбрионларнинг (2pn, A, B, C, D) сифатининг бир неча баробар ошиши, ЭКУ амалиёти самарадорлигини ошиши, ЭКУ дастуридан сўнг юзага келган ҳомиладорлик патологияларининг камайиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. ЭКУ циклидан олдин бепуштлиқ мавжуд жуфтликларни клиник, биокимёвий, молекуляр-биологик, инструментал, морфологик ва статистик текширув усуллари асосида:

биринчи илмий янгилик: бепуштлиқ мавжуд жуфтликларни ЭКУ дастурига тайёрлаш босқичида хавф омилларни аниқлаш ва уни бартараф

қилиш ЭКУ амалиёти самарадорлигини оширишини асословчи таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 23 декабрда 12-24/536-т сон билан тасдиқланган «Экстракорпорал уруғлантириш циклида гомоцистеин миқдорини барқарорлаштириш орқали даволаш усули» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалининг 20 февраль 2025-йилдаги 54-сонли ҳамда Репродуктив тиббиёт ва генетика институти Doctor-D-IVF клиникасининг 3 февраль 2025-йилдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экспертлар кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/19-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: бепуштлиқ мавжуд жуфтликларни ЭКУ дастурига тайёрлаш босқичида хавф омилларни аниқлаш ва уни бартараф қилиш ўтказилаётган ЭКУ амалиётини самарадорлигини оширишга, амалиёт натижасини ижобий тус олишига, қайта ЭКУ амалиётини ўтказишга эҳтиёжнинг минималлаштиришга олиб келди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ЭКУ дастурига тайёрлаш босқичида бепуштлиқ мавжуд жуфтликларда хавф омилларини тўғри аниқлаш ва эрта ташхислаш орқали ЭКУ амалиётини самарасиз яқун топиши ва қайта ўтказишга эҳтиёж қолмаганлиги сабабли 50 нафар жуфтлик учун 1400000000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган.

Хулоса: бепуштлиқнинг келиб чиқиш омилларига кўра мурожаат қилган жуфтликларни тўғри ва эрта ташхислаш, 1 нафар жуфтлик учун 1 мартаба ўтказиладиган ЭКУ дастури ҳисобига 28000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

иккинчи илмий янгилик: ЭКУ амалиётига тайёрлаш босқичида бепуштлиги мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилидаги гомоцистеин миқдорини коррекция қилиш дастур бўйича тухумдонларни стимуляция қилиш даврини камайтиришини асословчи таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 23 декабрда 12-24/536-т сон билан тасдиқланган «Экстракорпорал уруғлантириш циклида гомоцистеин миқдорини барқарорлаштириш орқали даволаш усули» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалининг 20 февраль 2025-йилдаги 54-сонли ҳамда Репродуктив тиббиёт ва генетика институти Doctor-D-IVF клиникасининг 3 февраль 2025-йилдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экспертлар кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/19-сонли хулосаси).

Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: ЭКУ амалиёти ўтказилиши зарур бўлган бепуштлиги мавжуд жуфтликларнинг қонида гомоцистеин миқдорини аниқлаш шу аёлларнинг олиб бориш ва стимуляция дастури давомийлигини аниқлаб берди. Бу эса ушбу жуфтликларда ЭКУ амалиёти самарадорлигини яхшилашга имкон яратди.

Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: ЭКУ амалиётига тайёрлаш босқичида бепуштлиги мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилидаги гомоцистеин миқдорини даражасига мувофиқ ЭКУ амалиётини қўллаш

натижасида ўртача 50 бемор учун 60000000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** бепуштлиги мавжуд жуфтликларнинг қонида гомоцистеин миқдориغا кўра ЭКУ дастурини оқилона тузиш 1 нафар жуфтлик ҳисобига стимуляция учун фойдаланиладиган маблағларини 1200000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: ЭКУ циклидан олдин аниқланган гомоцистеиннинг патологик даражаси ооцитлар ва эмбрионнинг сифатига корреляцион боғлиқлигини исботловчи таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 23 декабрда 12-24/536-т сон билан тасдиқланган «Экстракорпорал уруғлантириш циклида гомоцистеин миқдорини барқарорлаштириш орқали даволаш усули» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалининг 20 февраль 2025-йилдаги 54-сонли ҳамда Репродуктив тиббиёт ва генетика институти Doctor-D-IVF клиникасининг 3 февраль 2025-йилдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экспертлар кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/19-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** қонда гомоцистеиннинг патологик даражасини ЭКУ дастурини амалга оширишдан олдин аниқлаш ва мувофиқлаштирилмаслиги ёмон сифатли ооцитлар ва эмбрионларнинг ҳосил бўлишини прогнозлаш аҳамиятига имкон берди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ЭКУ амалиётига тайёрлаш босқичида бепуштлиги мавжуд жуфтликларнинг қон таҳлилидаги гомоцистеин миқдорини мувофиқлаштириш натижасида ўртача 50 нафар жуфтлик учун 280000000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** қондаги гомоцистеиннинг патологик даражасини мувофиқлаштириш орқали ЭКУ дастури давомида эмбрионни кўчириб ўтказиш амалиётини асосли қўллаш натижасида 1 нафар жуфтлик ҳисобига 5600000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

тўртинчи илмий янгилик: ЭКУ циклини олиб бориш алгоритми асосида юзага келган ҳомиладорликнинг дастлабки триместрида ҳомиладорлик асоратлари частоталарининг камайиши исботланганлигини асословчи таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 23 декабрда 12-24/536-т сон билан тасдиқланган «Экстракорпорал уруғлантириш циклида гомоцистеин миқдорини барқарорлаштириш орқали даволаш усули» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт маркази Навоий вилояти филиалининг 20 февраль 2025-йилдаги 54-сонли ҳамда Репродуктив тиббиёт ва генетика институти Doctor-D-IVF клиникасининг 3 февраль 2025-йилдаги 58-сонли буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги Экспертлар кенгашининг 2025 йил 17 июлдаги №22/19-сонли хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** ЭКУ усули амалга ошириш зарур бўлган бепуштлиги мавжуд жуфтликларга олиб боришнинг тавсия этилган усули ҳомиладорликнинг дастлабки триместрида салбий

оқибатларини олдини олишга ва минималлаштирилишига олиб келди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** ЭКУ амалиётидан сўнг ҳомиладорлик кечишини прогнозлаш ва шунга мувофиқ даволаш чоратадбирларини қўллаш натижасида ўртача 50 нафар жуфтлик учун 100000000 сўм ортиқча сарф харажатларни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ЭКУ амалиётидан олдин зарурий текширувларни амалга ошириш ва даволаш чоратадбирларини асосли қўллаш натижасида 1 нафар аёл учун койка ҳисобига бюджет маблағларини 2000000 сўмга иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 106 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати очиб берилган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларига мослиги кўрсатиб берилган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги ёритиб берилган. Шунингдек, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти, предмети ва усуллари тизимли равишда келтирилган. Мазкур қисмда диссертация натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги кўрсатилган, ишнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган ҳамда тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши ифодаланган бўлиб, апробация ҳамда тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши ҳамда ишнинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи бобида “**Экстракорпорал уруғлантириш муаммосининг долзарблиги, ташхисоти ва даволашга боғлиқ манбалар шарҳи**” борасида адабиётларни кўриб чиқилди. Шарҳда экстракорпорал уруғлантиришнинг бугунги кундаги долзарб вазифалари ҳақидаги замонавий маълумотлар таҳлил қилинди. Экстракорпорал уруғлантириш циклида бепуштликни ташхислаш ва даволаш тадбирлари кўрсатилган. Бепуштликни ташхислаш ва даволашда, ЭКУ дастурларга тайёргарликда гомоцистеин миқдорига боғлиқ омиллар ва уларнинг аҳамияти масалалари аниқланди.

Диссертациясининг иккинчи бобида “**Экстракорпорал уруғлантириш муваффақиятсизлигини гомоцистеин билан боғлиқ равишда баҳолаш учун тадқиқот материаллари ва усуллари**“ материаллар ва тадқиқот усуллари тасвирланган. Ушбу илмий тадқиқот 2022–2024-йиллар оралиғида Тошкент шаҳрида жойлашган «Сиз она бўласиз» экстракорпорал уруғлантириш (ЭКУ) марказининг клиник-амалиёт базасида олиб борилди. Тадқиқот дизайни комплекс кўп босқичли, экспериментал-клиник кузатув асосида қурилган бўлиб, бунда ретроспектив ва проспектив компонентлар уйғунлаштирилган. Ретроспектив компонентда ЭКУ марказида илгари ўтказилган клиник амалиётлар натижалари таҳлил қилинди, проспектив босқичда эса беморларнинг лаборатор-биокимёвий, инструментал ва клиник кузатувлари реал вақт режимида олиб борилди.

Тадқиқотга жалб этилган аёллар Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан белгиланган репродуктив ёш доирасига мос ҳолда 18 ёшдан 35 ёшгача бўлган, сурункали соматик ёки эндокрин касалликлари оғир кечмаган, бепуштлиқ муаммосидан азият чекаётган беморлар эди. Уларнинг барчасидан ёзма розилик олинди, махсус ахборот розилик шакллари асосида тадқиқотга киритилди. Тадқиқот иштирокчилари гомоцистеин даражасининг бошланғич ҳолатига асосланиб унга асосий гуруҳга ажратилди:

1. Асосий гуруҳ А – гипергомоцистеинемия аниқланган 40 нафар аёл (гомоцистеин $>8,0$ $\mu\text{мол/л}$);
2. Асосий гуруҳ В – гипогомоцистеинемия аниқланган 10 нафар аёл (гомоцистеин $<5,0$ $\mu\text{мол/л}$);
3. Назорат гуруҳи – гомоцистеин даражаси ўлчанмаган, стандарт ЭКУ дастурига жалб қилинган 40 нафар аёл.


Таққослаш гуруҳи қондаги гомосистеин даражасини ўлчамасдан standart ЭКО протоколига киритилган жуфтликлардан иборат еди. Асосий гуруҳга гомосистеин даражаси меъёрдан юқори ва паст бўлган, ЭКО протоколидан олдин даволанган ва гомосистеин даражаси тавсия етилган 5-8 ммол/л га етганидан кейин ЭКО протоколига киритилган жуфтликлар кирди.

Асосий гуруҳ беморларида аввал гомоцистеин даражаси нормал диапазонга (5,0–8,0 $\mu\text{мол/л}$) келтирилди. Бунда уларга биз томондан яратилган даволаш алгоритми тавсия қилинди (1-расм).

Даволаш натижаси сифатида гомоцистеин кўрсаткичлари стабилизация қилинди ва ЭКУ протоколига киритилишдан аввал бу беморлар меъёрга келтирилган гомоцистеин фонида таҳлил қилинди. Бу эса ЭКУ протоколининг ҳар икки гуруҳга ҳам барқарор шароитда қўлланишини таъминлади.

Тадқиқотга киритиш мезонларига 35 ёшгача аёллар, бачадон найи, эндокрин ва сабаби аниқланмаган турларидаги бепуштлиқ, ЭКУ циклидан ўтиши ва бепуштлиги мавуд эркаклар киритилди.

Тадқиқотга киритишдан истисно мезонлар эса 35 ёшдан катта аёллар, овариал захира кам аёллар, гипо- ва гипергонадотроп омилли бепуштлиқ турлари, эндометриоз, оғир соматик касалликлар, анамнезда онкологик касалликлар ўтказган ва азооспермия ҳолатлари.



1-расм. Гомоцистеин даражаси меъёрда бўлмаган ҳолатларда тадқиқот давомида ишлаб чиқилган даволаш алгоритми.

ЭКУ циклининг клиник самарадорлиги қуйидаги мезонлар асосида баҳоланди:

- Биокимёвий ҳомиладорлик: эмбриотрансфердан сўнг 14-кун қондаги β-ХГЧ даражасининг 20 МЕ/л дан юқори бўлиши;
- Клиник ҳомиладорлик: эмбриотрансфердан 21-кун бачадон ичидаги ҳомила қопининг УТТ орқали аниқланиши.

Тадқиқот давомида қуйидаги таҳлилий ёндашувлар қўлланилди:

- Лаборатор кўрсаткичлар: умумий қон, биокимёвий қон анализи, гормонал панель FSH, LH, E2, пролактин, АМН);
- Гомоцистеин даражаси: ЭКУ цикли олдидан ва даволашдан сўнг, ҳар бир беморда икки марта аниқланиб, диагностик аниқлик ва мониторингни таъминлади;
- Инструментал текширувлар: трансвагинал ультратовуш текшируви орқали фолликулалар сони, эндометрий ҳолати, миометрий ва тухумдон жавоби назорат қилинди.

Тадқиқотнинг эмбриологик компоненти ҳам чуқур таҳлил қилинди. Ооцитлар морфологияси, мейоз цикли босқичига кўра етилганлик даражаси (M2, M1, дегенератив шакллар), уруғлантириш самарадорлиги (2PN), эмбрион бўлиниш тезлиги ва бластоциста босқичига етиши (Гарднер таснифи асосида) баҳоланди.

Шунингдек, эркак омилига боғлиқ бепуштлиқ ҳолатларида ICSI (интрацитоплазматик сперматозоид инъекцияси) усули қўлланилди. Бу беморларда ICSI орқали уруғлантирилган ооцитларнинг ривожланиш динамикаси алоҳида мониторинг қилинди. ICSI протоколи Халқаро эмбрионал лаборатория стандартларига тўлиқ мос равишда, стериллик, микроманипуляция, инкубация муҳитига қатъий амал қилган ҳолда амалга оширилди.

Тадқиқотда статистик таҳлил воситаси сифатида Microsoft Excel ва STATISTICA v6.1 дастурларидан фойдаланилди.

Диссертациясининг учинчи “**Экстракорпорал уруғлантириш амалиётидан олдин бепуштлик мавжуд жуфтликларнинг клиник ва диагностик хусусиятларини қиёсий жиҳатлари**” бобида ЭКУ амалиётидан олдин аниқланган гомоцистеин миқдори ва унинг патологик даражасини мутаносиблаштирилгандан сўнг бепуштлик мавжуд жуфтликларнинг клиник-лаборатор кўрсаткичларини қиёсий таҳлил қилиш амалга оширилди.

Тадқиқотга қамраб олинган беморлар ўртасида ўтказилган ёш таҳлили шуни кўрсатдики, иккала гуруҳда ҳам бепуштлик ўртача ёш кўрсаткичлари мутаносиб сараланган. Асосий ва назорат гуруҳларида ўртача ёш кўрсаткичи мос равишда $26,1 \pm 3,8$ ва $26,0 \pm 4,1$ ни ташкил қилди. Энг кўп кузатилган ёш диапазони асосий гуруҳда ҳам, назорат гуруҳида ҳам 20-34 ёш гуруҳини, яъни энг фаол репродуктив ёш таснифини ташкил қилди ва беморларни барча 90таси (100,0%) ушбу репродуктив ёш гуруҳидан жой олгани тасдиқланди, 15-19, 35-44 ва ва 45-49 ёшлар чегараларида бўлган беморлар иккала гуруҳда ҳам беморлар орасида кузатилмади, ва бу тадқиқотни айна фаол репродуктив қатламда ўтказилганини яна бир далили сифатида қаралиши мумкин.

Аниқланган ёшга оид маълумотлар тадқиқотнинг асосий ва назорат гуруҳлар беморлари ўртасида ёш кўрсаткичи бўйича сезиларли статистик фарқ мавжуд эмаслигини кўрсатди. Шунингдек, аҳоли ўртасида ҳам асосий бепуштлик билан азият чекиб, ЭКУ мақсадида мурожаат қилувчи аёллар ёшлари ҳам асосан шу 20-34 ёшга тўғри келади.

Бепуштлик давомийлиги гуруҳлар ўртасида таҳлил қилинганда шулар аниқландики, асосий гуруҳда бепуштликни давом этиши ўртача давомийлиги $5,7 \pm 2,8$ йилни ни ташкил қилган бўса, назорат гуруҳида бу кўрсаткич $4,27 \pm 1,9$ ни қайд этди ($p < 0,05$). Бирламчи бепуштлик пациентлари сони иккала гуруҳда ҳам устунлик қилиб мос равишда 60,0 ва 52,5 % ни ташкил қилган бўса, иккиламчи бепуштлик тегишли тартибда 40,0 ва 43,75% ни қайд этган ($p < 0,05$) (1-жадвал).

Текширувлар давомида гуруҳлардаги беморларнинг бепуштлик анамнезига алоҳида аҳамият қаратилди ва гомоцистеинни бепуштлик сабабларига мос тарқалганлик таҳлили қилинди, ҳамда тадқиқот натижасида аниқландики, бепуштликни энг кенг тарқалган сабаби иккала гуруҳ аёлларида ҳам бачадон найлари омили эканлиги тасдиқланди (2-расм).

1- жадвал

Бепуштлик турига кўра структур гуруҳланиш ($p < 0,05$)

Бепуштлик таснифи	асосий, n=50		назорат, n=40		умумий, n=90	
	абс	%	абс	%	абс	%
Бирламчи	30	60,0	21	52,5	45	56,25
Иккиламчи	20	40,0	19	47,5	35	43,75
Жами	50	100	40	100	90	100,0

Кейинги навбатда бепуштликни гормонал бузилишлари (асосий гуруҳда 9, назорат гуруҳида 8 та беморда аниқланди), ҳамда эркаклик омили (асосий

гуруҳда 10, ва назорат гуруҳда 14 та аёл турмуш ўртоқларида эркаклик омили аниқланиши) мавжуд бепуштлик жуфтликлари таҳлил қилинди.



2-расм. Текширилган беморларда бепуштлик тури ва ўртача ёши (M±m)

Сабаби аниқланмаган бепуштлик кўрсаткичларида асосий ва назорат гуруҳи ўртасида кескин фарқ аниқланди ва асосий гуруҳда 16 та аёлда шу ташхис тасдиқланган бўлса, назорат гуруҳида энг кам кўрсаткич билан, яъни 2 та аёлда сабаби аниқланмаган ташхис қўйилди ва барча омилар график диаграммада таҳлил қилинди (3-расм).



3-расм. Гуруҳларда бепуштлик сабабларига кўра таққослама таҳлил (%)

Текширилган беморларни ўртача ёши бепуштлик тури кесимида таҳлил қилинганда шу аниқландики, асосий гуруҳда бачадон найи омили, гормонал омил, сабаби аниқланмаган бепуштлик ва эркаклик омили мос равишда 27,1; 25,5; 28,3 ва 23,7 ўртача ёшни ташкил қилган, назорат гуруҳида эса кескин фарқ кузатилмади ва мос равишда 27; 25,3; 28,4 ва 23,6 ни ташкил қилди (3-расм).

Тадқиқот давомида иккала гуруҳнинг иккиламчи бепуштлик билан муружаат қилган беморлари ўртасида аввалги туғруқлар натижалари ҳам таҳлил қилинди (2-жадвал). Иккиламчи бепуштлик бўлган тадқиқот иштирокчиларининг анамнезида максимал ҳомиладорлик сони асосий гуруҳда 4 та, таққослаш гуруҳида эса 3 та ни ташкил қилди. Ўртача кўрсаткичлар қуйидагича эди: асосий гуруҳда ҳомиладорлик такроран (икки ёки ундан кўп марта) 7 нафар аёлда (14,0%) кузатилган, бир марталик ҳомиладорлик эса 5 нафар беморда (10,0%) қайд этилган.

Таққослаш гуруҳида икки ва ундан кўп ҳомиладорлик 6 нафар аёлда (15,0%), бир марталик ҳомиладорлик эса ҳар тўртинчи беморда – 2 нафар

аёлда (5%) кузатилган. Анамнезда бир марталик туғруқ асосий гуруҳнинг 6 нафар (12%) беморида ва таққослаш гуруҳининг 4 нафар (10%) беморида қайд этилган. Такрорий туғруқлар эса иккала гуруҳда ҳам кузатилмаган.

2-жадвал

Гуруҳларда иккиламчи бепуштлик мавжуд беморларида аввалги ҳомиладорлик ва туғруқ якуни бўйича таҳлил ($p < 0,05$)

Кўрсаткич		асосий гуруҳ, %	назорат гуруҳи, %
Ҳомиладорлик	бир марта	10,0	5,0
	икки ёки ундан ортиқ	14,0	15,0
Туғруқ	бир марта	12,0	10,0
	икки ёки ундан ортиқ	0	0
Ривожланмаган ҳомиладорлик	бир марта	4,0	2,0
	икки ёки ундан ортиқ	0	0
Бачадондан ташқари ҳомиладорлик	бир марта	6,0	6,0
	икки ёки ундан ортиқ	6,0	6,0

Тадқиқот гуруҳларида яна аниқландики, аёлларда ёндош гинекологик касалликлар орасида энг кўп учрайдиган касаллик сурункали салпингоофорит бўлиб, бу беморларнинг мураккаб инфекцион анамнезга эга эканлигини кўрсатади (3-жадвал). Бу ҳолат, эҳтимол, тухумдон ва бачадон найлари омилининг юқори учраш тезлигини изоҳлашга ёрдам беради.

3-жадвал

Тадқиқот гуруҳлари беморларида ёндош гинекологик касалликлар ($p < 0,05$)


Касаллик		асосий гуруҳ	назорат гуруҳ	умумий	p
Бачадон миомаси	n	5	4	9	
	%	10,0	10,0	10,0	
Аденомиоз	n	2	3	5	
	%	4,0	7,5%	5,55	
Ташқи генитал эндометриоз	n	2	0	2	
	%	4,0	0	2,22	
Сурункали салпингоофорит	n	20	14	34	
	%	40,0	35,0	37,8	
Сурункали эндометрит	n	2	2	4	<0,05
	%	4,0	5,0	4,44	

Асосий гуруҳда сурункали салпингоофорит 40,0% ҳолларда (20 аёлда), назорат гуруҳида эса 35,0% ҳолларда (14 аёлда) қайд этилган. Бачадон миомаси асосий гуруҳдаги ҳар 10-беморда (5 аёлда; 10%) ва назорат гуруҳидаги 4 беморда (10,0%) учраган.

Миоматоз тугунларнинг ўртача ўлчами 3,5 см дан ошмаган. Барча беморларда бачадон миомаси интрамурал ва/ёки субсероз локализацияга эга бўлиб, бачадон бўшлиғининг деформацияси кузатилмаган.


Тадқиқот натижаларига кўра, текширилган беморларнинг ярмидан кўпи асосий (60,0%) ва таққослаш гуруҳида (50,0%) жинсий йўл инфекциясидан азият чекди. Асосий гуруҳдаги ҳар ўнинчи беморда анамнезида хламидия цервицит (10,0%) бўлган, назорат гуруҳида эса хламидия инфекцияси 5,0% частота билан содир бўлган.

Тадқиқотга киритилган беморларни қон коагулограмма кўрсаткичлари таққосланганда аниқландики, қон суюқлик кўрсаткичларининг барчасида асосий гуруҳда қайд қилинган натижалар таққослама гуруҳга нисбатан нисбатан ижобий баҳоланади (4-расм).



4-расм. Тадқиқот гуруҳларида қонда коагулограмма кўрсаткичлари натижалари

Кейинги муҳим ҳисобланган қон биохимик таҳлили натижалар гуруҳлар қайд этган натижалар ўртача кўрсаткичлари бўйича таҳлил қилинди (5-расм).



5-расм. Тадқиқот гуруҳларида қон биохимик таҳлил кўрсаткичлари натижалари

5-расм кўрсатиб турибдики, кўплаб биохимик кўрсаткичлар нормада аниқланган ва ўзаро гуруҳлар қайд қилган натижалар ҳам қиёсий томондан яқин ва норма чегарасида эканлиги аниқланди, фақат умумий оксил миқдори асосий 80 ни қайд қилган бўлса, назорат гуруҳида 13%га фарқли кам миқдорда аниқланди (5-расм).

Олинган клиник лаборатор маълумотлар бепуштлиқ ҳолатларида ЭКУ протоколларига киришишдан аввал гомоцистеин даражасини аниқлаш, меъёрдан ортиқ ёки кам кўрсаткичлар аниқланганда уни меъёрга келтириб кейингина ЭКУ амалиётларига ўтиш кераклигини ва бу орқали ЭКУ дан ҳомиладорлик кузатилиши янада ортиши, гомоцистеинни ЭКУ самарадорлигини оширишда аҳамияти катта эканини кўрсатади.

Тадқиқотга киритилган иккала гуруҳ беморларида беморларда турмуш ўртоқларини уруғ таҳлиллари спермограмма натижалари ва унинг таҳлиллари шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда нормал кўрсаткичли сперма фақатгина

58,0% ҳолатда аниқланди, назорат гуруҳида бу кўрсаткич 58,8% ни ташкил қилди. Тадқиқот ўтказилган эркекларнинг спермограмма натижаларига кўра индивидуал тайёрланиш этаpidан ўтган эркеклар спермограммаси нормозооспермия ҳолати 1,3 баробар юқори кўрсаткични ташкил қилди.

Патологик спермограмма яъни астенозооспермия, олигозооспермия, олигоастенотератозооспермия, астенотератозооспермия, олиготератозооспермия ҳолатлари эса индивидуал даво муолажаларидан ўтмаган гуруҳимизга нисбатан 1,2 ва 1,5 баробар пастки кўрсаткични ташкил қилди (4-жадвал).

4-жадвал

Тадқиқотнинг сперма сифатини қиёсий таққослаш натижалари (p<0,05).

Спермограмма тахлили	асосий, n=50		назорат, n=40		ҳаммаси	
	n	%	n	%	n	%
нормоспермия	37	74,0	23	57,5	47	58,8
астенозооспермия	1	2,0	2	5,0	3	3,75
олигозооспермия	2	4,0	1	2,5	3	3,75
тератозооспермия	3	6,0	5	12,5	8	10,0
олигоастенотератозооспермия	1	2,0	0	0,0	1	1,25
астенотератозооспермия	5	10,0	6	15,0	11	13,75
олигоастенозооспермия	0	0,0	1	2,5	1	1,25
олиготератозооспермия	1	2,0	2	5,0	3	3,75


Тадқиқот давомида барча гомоцистеин даражасини текшириш учун иштирок этган беморларда аниқланган натижалар таҳлил қилинди, ва гомоцистеин абнормал даражаси икки турда ажратилди: гомоцистеин даражаси юқори чиққан беморлар (гипергомоцистеинемия) ва гомоцистеин даражаси паст чиққан беморлар (гипергомоцистеинемия). Индивидуал даволаниш босқичига аниқланган гомоцистеин абнормал даражасига кўра Гипергомоцистеинемия ҳолати гипогомоцистеинемиядан 2 баробар юқори эканлигини аниқланди. Уларни учраш даражалари 6-расмда келтирилган.

Гипергомоцистеинемия қайд этилган бирламчи бепуштлик, иккиламчи бепуштлик, бепуштликни эркеклик омили ва аралаш бепуштликларларда ҳам гипогомоцистеинемияга нисбатан кўпроқ учраши аниқланди (68,0%; 72,0%; 60,0% ва 75,0%, мос равишда). Бу кўрсаткичлар гипогомоцистеинемияда 32,0%; 28,0%; 40,0% ҳамда 25,0% ни ташкил қилди.


Гипергомоцистеинемия эндотелиал дисфункциянинг белгисидир! Эндотелиал дисфункция (ЭД) - тананинг барча қон томирлари ва капиллярларининг ички қопламаси барқарорлигининг бузилиши. Гомоцистеин олтингугурт ўз ичига олган аминокислота бўлиб, у мустақил равишда ишлаб чиқарилмайди, у метионин ва систеин аминокислоталарининг метаболик маҳсулотидир. Метаболизм жигарда содир бўлади, кичикроқ қисми буйраклар орқали метаболланади. Гомоцистеиннинг ўзи метионин циклидаги оралик моддадир, бу кўплаб метилация реакцияларида зарур бўлган метил гуруҳини яратишга қаратилган.

Гипергомоцистеинемия сабаблари (8 ммол/л ва юқорида): Vitamin B етишмаслиги ва носоғлом турмуш тарзи; Фолат цикли генларидаги мутациялар; Ёши, жинси, тизимли касалликлар; Биргаликда терапия: КОК, метотрексат, карбамазепин ва бошқалар.

Гипогомоцистеинемия сабаблари (5 ммол/л ва қуйида): Белок етишмаслиги; Олтингугурт етишмаслиги; Глутатионнинг юқори истеъмоли; Гиперметилация.



Тухумдонлар стимуляциясигача бўлган кўрсаткичлар асосий ва таққослама гуруҳларда қуйидаги 5та гормонал ва биохимик кўрсаткичларда таққосланди: Фолликулстимуловчи гормон (ФСГ), Лютеинловчи гормон (ЛГ), тиреотроп гормон (ТТГ), С-реактив оксил ҳамда Ферритин.




6-расм. Гипергомоцистеинемия ва гипогомоцистеинемия даражалари.

ФСГ кўрсаткичлари асосий гуруҳда $6,7 \pm 0,3$ ни ташкил қилган бўлса, таққослама гуруҳ бу бўйича $7,4 \pm 0,5$ ни қайд этди. ТТГ ҳам асосий гуруҳда $1,8 \pm 0,5$ ни, таққослама гуруҳда эса $2,5 \pm 0,6$ ни ташкил этди. ЛГ ва С-реактив оксил иккала гуруҳда ҳам ўхшаш натижалар қайд этган, асосий гуруҳда бироз устунлик билан, $4,7 \pm 0,2$ ва $4,6 \pm 0,4$ ҳамда $1,9 \pm 0,3$ ва $1,8 \pm 0,3$ мос равишда, $p > 0,05$. Ферритин даражалари ўртача қиймати гуруҳларда кескин фарқ қилди, мос равишда $83,9 \pm 9,0$ ҳамда $61,4 \pm 4,1$ ни ташкил этди.

Олинган тадқиқот натижаларига боғлиқ равишда ЭКУ дастурига тайёрланаётган бепуштлик мавжуд жуфтликларда гомоцистеин миқдорига

боғлиқ равишда диагностик усуллар мажмуасини такомиллаштирдик ва унинг самарадорлигини баҳоладик. Бунда ташхисот мезонининг самарадорлигини ROC-таҳлил ёрдамида баҳолаш натижасида қуйидаги эгри чизик олинди (7-расм).



7-расм. Олинган тадқиқот натижаларига боғлиқ ҳолда бепуштлик мавжуд жуфтликларда ташхисот мезонининг самарадорлиги эгри чизиғи

Олинган ROC-эгри чизик $0,67 \pm 0,06$ (95% ИИ: 0,55-0,79) га тенг бўлган AUC эгри чизиғи остидаги майдон қиймати билан тавсифланади. Прогностик модель статистик аҳамиятга эга бўлди ($p=0,006$). Танланган чегара қийматида ушбу диагностик усулнинг ЭКУ самарадорлигига сезгирлиги 89,2%ни, ўзига хослиги 72,9% ни ташкил этди. Диагностик самарадорлик эса 79,2% ни ташкил этди.

Диссертациянинг тўртинчи “**Экстракорпорал уруғлантириш циклини муваффақиятли амалга ошириш учун бепуштлик мавжуд жуфтликларда ишлаб чиқилган даволаш усуллариининг самарадорлигини баҳолаш**” деб номланган бобида тавсия қилинган даволаш усули ёрдамида бепуштлик мавжуд жуфтликларни олиб бориш орқали ЭКУ циклини ўтказиш ва юзага келган ҳомиладорлик оқибатлари таққослама натижалари келтирилган. Бунда асосий ва назорат гуруҳи беморларида ЭКУ протоколининг муҳим босқичи ҳисобланган ТВП босқичининг асосий кўрсаткичлари, пункция натижасида олинган фолликулалар сони, антрал фолликулалар сони, фолликуляр суюқлик ва олинган ооцитлар сони, уларнинг сифат кўрсаткичлари каби кўрсаткичлар иккала гуруҳда ҳам аниқланди ва таҳлил қилинди.


